

ISSN 2181- 6875

**BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI
ILMIY AXBOROTI**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**

**SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA
STATE UNIVERSITY**

2013/3(51)

MUNDARIJA

• ANIQ VA TABIIY FANLAR

Меражова Ш.Б., Умарова У.У. Гиперболик системага қўйилган аралаш масалани фурье алмаштириши ёрдамида ечиш.....	1
Низов Э.Д., Амонова М.М., Назаров Н.И., Мамедова М.Н. Крахмал пленкасининг эрувчанлигига ва сорбцион хусусиятларига гидролизланган полиакрилонитрилнинг таъсири.....	4
Тураев А.А. Яримутказгичли диодларнинг $P-n$ нуктали, электрон-тешикчали ўтиши.....	8

• TILSHUNOSLIK

Ҳожиёва Г.С. Ги де Мопассаннинг "Азизим" романидаги ибораларнинг лексик-семантик хусусиятлари.....	12
Мўминова А.А. Паралингвистика ундовни ифодаловчи восита сифатида.....	15
Джафарова Д.И. Ўзбек ва француз тилларида сўзларнинг демотивация жараёни.....	18
Тухтаходжаева Н.А. Happiness лингво-культуремасининг антонимик воситалар орқали ифодаланиши ва уларнинг таржима хусусиятлари.....	21
Ҳожиёва З.Б. Репрезентация культурологического концепта в английской и узбекской языковых картинах мира.....	26
Пирматова М.М. Матнда гендер омилининг акс этиши ёки тилнинг характеристикасини белгилашга оид ўтказилган лингвистик тадқиқот.....	29

• ADABIYOTSHUNOSLIK

Ўраева Д.С. Халқ қўшиқларида образлар параллелигининг миф-маросим-фольклор тараққиётида шаклланиши.....	33
Қувватова Д.Ҳ. Жаҳон ва ўзбек поэтичилиги: қиёс ва талқин.....	39
Амонова З.Қ. Қул Убадий ва унинг бир ҳикмати таҳлили.....	41
Очилов Н.С. Конкрет шеърят ҳақида айрим мулоҳазалар.....	46
Назаров Ў.Ж. Замонавий ва тарихий хронология уйғунлиги.....	49
Кахарова И.С. Таржимонлик маҳорати.....	52

• NAVOIY GULSHANI

Бекова Н.Ж. Азал ҳам сен, абад ҳам сен.....	56
---	----

• FALSAFA VA HUQUQ

Тошев Э.Т., Зокирова Р.И. Қадимги Миср ва Бобилда илм-фан ривожини.....	59
---	----

Музаффаров Ф.Д. Абу Ҳомид Ғаззолийнинг фалсафага муносабати.....	62
--	----

• TARIXSHUNOSLIK

Ҳайитов Ш.А., Раҳмонов К.Ж. Туркистон талабаларининг хориждаги матбуотчилик фаолияти (xx аср 20-30- йиллари).....	67
Тураев Ҳ.Ҳ., Абдуллаева Д.А. XX асрнинг 30-йилларида Мирзо Улуғбек мадрасасининг таъмирланиш тарихидан.....	71
Бобоев Ф.С. Номалум кўрбошилларнинг маълум қисмати.....	74
Қурбонова М.Б. Ўрдаи хоссаги" – сарой раққослари дастаси фаолиятдан (тарихий - этнологик таҳлил).....	79
Юсупова Э.Э. Политическое сознание — важный элемент духовной жизни общества.....	83

• IQTISODIYOT

Яматов Д.Ш. Бухоро вилоятида аграр секторни ривожлантириш стратегияси ва истиқболлари.....	87
--	----

• PEDAGOGIKA

Yo'ldosheva D.N. Ta'lim maqsadi va ta'lim mazmuni tarkibiga kiritilgan bilimlar silsilasi.....	93
Ёдгоров Н.Ж., Ҳотамов Ш.Ш., Маматов Д.Қ. Чизмачиликни ўқитишда масофали таълим.....	96
Джурабаева З.А. Экологик онг ва экологик маданиятни шакллантиришда экоматнларнинг ўрни.....	101
Джаббаров О.А. Лингводидактическая и методическая характеристика монологической речи.....	104

• SOTSIOLOGIYA

Ғуломов С.Т., Козимов Д.А. Рағбатлантириш самарали бошқарув омили сифатида.....	109
Саломова Г.Ш. Талабаларда адаптация жараёни самарали кечилишининг психологик асослари.....	114

• BAG'ISHLOV

Аҳмедова Ш.Н., Абузалова М.К. Йўлдошева Д.Н. Она типимизга эҳтиром.....	118
---	-----

• XOTIRA

Сафаров О.С., Сафарова Ҳ.О. Устод Айнийнинг илмий ва адабий ижоди тадқиқотчиси.....	122
---	-----

• E'LON

"Бухоро Давлат университети илмий ахбороти" журналинда мақола эълон қилиш талаб ва шартлари.....	129
--	-----

Ҳожиёва Гулчехра Салимовна

БухДУ Чет тиллар кафедраси ўқитувчиси

durbora@mail.ru

ГИ ДЕ МОПАССАННИНГ "АЗИЗИМ" РОМАНИДАГИ ИБОРАЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Таянч сўзлар: фразеология, фразеологик бирлик, контекстуал вариантдошлик, фразеологик норма, индивидуал ўхшатиш, бевосита таржима, контекстуал маъно.

Ключевые слова: фразеология, фразеологическая единица, контекстуальная вариантность, фразеологическая норма, индивидуальное сходство, прямой перевод, контекстуальный смысл.

Key words: phraseology, phrasal units, contextual variety, phrasal norm, individual similarity, straight translation, contextual meaning.

Ушбу мақолада француз адиби Ги де Мопассаннинг "Bel Ami" ("Милый Друг", "Азизим") романида учрайдиган ранглар воситасида ҳосил бўлган фразеологизмлар уч тил (француз, рус, ўзбек тиллари) асосида қиёсий таҳлил этилган.

В данной статье представлен сравнительный анализ фразеологических единиц, содержащих цветообозначение и функционирующих в романе Ги де Мопассана "Милый Друг" (на материале французского, русского и узбекского языков).

This article is devoted to the comparative analysis of phrasal units formed by means of colours in Guy de Maupassant's novel "Bel Ami, or the History of a Scoundrel" on the base of three languages materials (French, Russian, Uzbek).

Тилшуносликда ҳар бир тилнинг лугат таркиби лексик ва фразеологик қатламлардан иборат ва лугат таркибидаги фразеологик қатлам фразеология соҳаси деб юритилади (2). Маълумки, фразеологиянинг ўрганилиш даражаси ривожланиши билан биргаликда унинг турли гуруҳ ва бўлимларга бўлиниши кузатилмоқда. Ушбу гуруҳ ва бўлимлар фразеологик бирликлар ифодаланиши ва тузилишининг турли хусусиятларига қараб ажратилади. Фразеологик бирлик (бундан кейин ФБ) дан яхлитлигича ангилашладиган маъно унинг таркибидаги сўз-компонентларга хос лексик маъноларнинг оддий йиғиндисига тенг бўлмайди, иборанинг маъноси умумлашма маъно, махраж маъно сифатида намоён бўлади (3).

Тилшуносликда фразеология қатлами лексикологиянинг кичик бир бўлими саналиб келинади. Кейинги йилларда олиб борилган кўплаб илмий изланишлар фразеология бўлимининг имкониятлари кенглигини тасдиқламоқда. Фразеология тилда миқдор жиҳатидан ҳам, маънодорлиги жиҳатидан ҳам жуда кенг эканлиги эътиборга моликдир (1). Турли тилларга хос фразеологизмларни ўзаро

қиёслашда таржиманинг аҳамияти беқиёс ва у тиллараро коммуникативлик вазифасини бажаради.

Француз адабиётида бетакрор ижоди билан муносиб ўринга эга адиб Ги де Мопассаннинг "Bel Ami" ("Милый Друг", "Азизим") романи нафақат ўткир сюжети, балки персонажларнинг ҳаётийлиги, бадиий тасвир воситаларининг гўзаллиги, хусусан, иборалардан ўринли фойдаланилганлиги туфайли жаҳон адабиётининг нодир дурдоналари сирасидан жой олган. Асар матни – контекст хусусияти таржимон учун таянч нуқта ҳисобланиб, таржимоннинг қайси усул ёки воситадан фойдалангани ҳам шунда аниқланади, демак таржимани тадқиқ этиш ва баҳолашда бу асосий мезон бўла олади (6). Мазкур мезонга таянган ҳолда қуйида Мопассаннинг "Азизим" романи контекстидан олинган ранглар воситасида ясалган бир неча ФБлар ва уларнинг таржимада берилиши юзасидан қиёсий таҳлил амалга оширилди.

1. Аслиятда: Après une heure d'efforts et cinq pages de papier noircies par des phrases de début qui n'avaient point de suite, il se dit: "Je ne suis pas encore assez rompu au métier. Il faut que je prenne une nouvelle leçon" [10,52].

Рус тилида: Просидев битый час и наполнив пять страниц вариантами первой фразы, он сказал себе: "Я ещё не наловчился. Придётся взять ещё один урок" (3).

Ўзбек тилида: Бир соатча ўтириб, беш варақ қоғозни биринчи жумланинг турли вариантлари билан тўлдириб ташлагач, у ўзига-ўзи: "Ҳали қўлим қаламга ўрганмабди. Яна битта дарс олишга тўғри келади", деди (2).

Мазкур ўринда *papier noircies* бирикмаси рус тилига заповниев шаклида ўгирилиб, структуравий жиҳатдан сўзга эквивалент бўлиб келган. Ўзбек тилида эса ФБ қораланган қоғоз (ёки қоғоз қоралагач) деб эмас, балки қоғозни... тўлдириб ташлагач ибораси билан таржима қилинган. Бунда восита тилининг аслиятдан қилинадиган таржимага таъсири яққол кўзга ташланади. Гарчанд рус ва ўзбек тилидаги ўгирмаларда рангга оид сўз иштирок этмаган бўлса-да, контекстдаги маъно ўз моҳиятини йўқотмайди.

Маълумки, синонимик бойлик жамият тараққиётининг ҳар бир жабҳасидаги маданий юксакликни, унинг этник ва эстетик қийматини, маънавий эҳтиёжини, бадиий жанрларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. "Азизим" романидан олинган қуйидаги мисолларда ҳам синонимиянинг ёрқин ифодасини кўриш мумкин:

2. Аслиятда: Il rougit jusqu'aux oreilles, ne sachant plus que dire (6).

Рус тилида: Он не нашёлся, что ей ответить, и покраснел до ушей (5).

Ўзбек тилида: Дюруа нима деб жавоб беришини билмай қизаринди (4).

3. Аслиятда: Il avait rougi jusqu'aux cheveux [6,77].

Рус тилида: Он покраснел до корней волос [5,271].

Ўзбек тилида: Дюруанинг лавлагиси чикди (4).

Тилшуносликда бир ФБнинг турли хил шаклларга эгаллиги бир қанча янги ФБлар пайдо бўлишига олиб келади. Шундан келиб чиқиб, юқоридаги ибораларни ФБларнинг вариантлари деб эмас, балки асосида бир хил образ ётадиган ва бир хил семантик маъноли синоним ФБлар деб аташ мумкин [8,87]. Мазкур ўриндаги барча иборалар рангга оид сўзлар билан ясалган, айтиш жоиз, француз ва рус тилларида ФБ инсон тана аъзоси

(соч) билан ифодаланган бўлса, ўзбек тилидаги ибора бениҳоя кучли образлилиikka асосланган ҳамда қизармоқ феъли ўрнида метафорик ибора — лавлагиси чиқиб кетмоқда (лавлагиси чикди) фойдаланилган.

Бадиий сўз усталари жуда кўп ҳолларда маълум стилистик мақсадларни кўзда тутиб, ўз асарларида бадиийликни кучайтириш учун ФБларни уларнинг маъносига мос келмайдиган матнларда қўллайдилар, натижада тургун маъноли фразеологизмлар контекстда ўз маъносини ўзгартиради — контекстуал маъно касб қилади [3,247]. Бунга *Avoir le (du) noir (être dans ses noirs)*, *быть очень печальным, расстроенным (быть в дурном настроении)*, *чексиз қайғуда бўлмоқ (тушкун кайфиятда бўлмоқ, ёмон кайфиятда бўлмоқ)* иборасини мисол келтириш мумкин.

4. Аслиятда: Il reprit:

— Qu'importe, d'ailleurs, un peu plus ou un peu moins de génie, puisque tout doit finir!...

— Vous avez du noir, aujourd'hui, cher maître(10).

Рус тилида: Он продолжал:

— Впрочем, не всё ли равно, немного больше или немного меньше таланта, раз всему на свете приходит конец?..

— Вы сегодня в дурном настроении, дорогой метр (5).

Ўзбек тилида: У давом этди:

— Шуниси ҳам борки, — деб давом этди у,

— сенинг талантинг борми, йўқми — барибир эмасми, охири ҳаммаси йўқ бўлади!

— Бугун кайфиятингизнинг мазаси йўқ, муҳтарам устоз [4,331].

Ўзбек тилидаги кайфиятингизнинг мазаси йўқ фразеологизми негадир тушкун кайфиятдасиз шаклида берилса, ҳам услубий жиҳатдан, ҳам мазмунан тўғри таржима амалга оширилган бўлар эди.

Чунки, мазаси йўқ бирикмасини услубий жиҳатдан соғлигининг мазаси йўқ, топиш-тутишининг (даромад) мазаси йўқ каби ФБларда қўллаш ўринлидир. Гарчанд бу ҳолат фразеологик норманинг бузилиши бўлса-да (3), келтирилган ўгирма ўзига хос тарзда керакли маънони ифодалай олган ҳамда фразеологизмларни индивидуал (ўзига хос) ўхшатиш (9) (тилда фақат

TILSHUNOSLIK

ёзувчининг ўзигагина тегишли бўлган, қиёслаш усули)га мисол бўлиб келган.

Ҳар бир тилга хос иборалар ўша халқ менталитети ва тил меъёрларидан келиб чиқиб, фақат шу халқнинг фикр тарзини, маънавий олами ва маданиятини акс эттиради. Ги де Мопассаннинг "Bel Ami" ("Милый Друг", "Азизим") романини унинг таржималари билан қиёслаш асосида француз, рус ва ўзбек тилларидаги ФБларнинг хусусий ва умумий жиҳатлари лексик-семантик белгиларига кўра ўрганилиб, ўғирмалардаги ютуқ ва камчиликлар, таржимонлар маҳорати таҳлил этилди.

Қуйида ранглар воситасида ҳосил бўлган ибораларнинг қиёсий таҳлили юзасидан хулосалар келтирилди:

1. Фразеологизмлар структуравий жиҳатдан сўзларга эквивалент бўлиб кела олади.
2. Баъзи ҳолларда ФБларнинг лексик ва грамматик таркиби ўзгаргани билан маънолари ўзгармайди.
3. ФБлар турли сўз туркумларидан ҳосил бўлиб, ҳолат, вазият, ҳис-туйғу, вақт (пайт),

хусусиятни ифодалашда, ҳатто атоқли отлар ясашга хизмат қилади.

4. Ранглар воситасида ҳосил бўлган ФБлар — фразеологиянинг муҳим бўғини бўлиб, улар тил ҳодисаларининг фразеологик бирликлар асосида ифодаланишига хизмат қилади.

5. Мазкур иборалар кўчма маъно бериш билан бир вақтда, устама маънога ҳам эга бўлиб, мазмунни янада бойитиш, маънони ёрқинроқ англашга замин яратади.

6. Инсон тана аъзолари билан боғлиқ ранглар воситасида ясалган ФБлар энг кенг тарқалган ва кўп қўлланиладиган иборалардан ҳисобланади.

7. Ранглар воситасида ҳосил бўлган фразеологизмларнинг асосий қисмини феълли иборалар ташкил этади.

8. Фразеологизмлар мазмунини сақлашда аслиятдан қилинган таржиманинг ўрни муҳим. Шу сабаб, бадиий асарни бевосита таржима қилиш — мавжуд маънони сақлаб қолиш ва тўғри талқин қилишнинг энг асосий омилidir.

АДАБИЁТЛАР

1. Бадалов Ф.А. Фразеологик бирликларнинг семантик хусусиятларини ўрганишдаги баъзи бир мулоҳазалар. Халқаро симпозиум материаллари. – Термиз, 2004.
2. Имяминова Ш.С. Немис тили фразеологияси. – Тошкент, Мумтоз сўз. 2011.
3. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. Фил.ф.док...дис.: 10.02.02. Ўзб.ФА Тилшунослик институти, – Тошкент, 1991.
4. Мопассан Ги де. Ҳаёт. Азизим. Новеллалар. И.Фафуров тарж., F.фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, – Тошкент, 1987.
5. Мопассан Ги де. Милый друг. Перевод Н.Любимова, – 2-е изд., Фрунзе, Кыргызстан, 1983.
6. Maupassant Guy de. Bel-Ami. – М., ВШ, 1981.
7. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик лугати. – Т., 1992.
8. Сувонова Н.Н. Фразеологиянинг систем-сатҳ бирлиги сифатидаги талқини (француз тили материалида) фил.ф.ном...диссер. 2008.
9. Ўрмонова Н.М. Таржимада тарихий-архаик лексикани акс эттириш принциплари ва таржима аниқлиги. Филол.ф.ном.дисс... – Тошкент, 2008.
10. Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. – М., 1964.